



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

25.03.2023 й Ўзбекистон тумани 4-1503-2301/631-сонли иш.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси М. Мирмаксудов раислигида, Х.Тўйчиевнинг котиблигида, даъвогар Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖнинг жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] га нисбатан 181 845 775 ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишини тарафлардан даъвогар вакили У.Эргашходжаев (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суд биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъво аризадан кўринишича, Бешариқ туман электр таъминоти корхонаси ҳамда [REDACTED] (келгуси ўринларда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида электр энергиясини етказиб бериш шартномаси имзоланган, шартномага кўра, электр таъминоти корхонаси электр энергияси етказиб бериш, жавобгар эса ҳақ тўлаш мажбуриятини олган, электр таъминоти электр энергиясини етказиб берган, бироқ жавобгар ўз вақтида ҳақини тўламаган, натижада Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилди) Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгар ва унинг Бешариқ туман филиалидан 181 845 775 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида даъвони қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар вакили белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Иқтисодий процессуал кодекснинг 170-моддасига мувофиқ, суд низони унинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, иш бўйича тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, қуйидагиларга кўра, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8 ва 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда мажбурият электр таъминоти шартномасидан келиб чиққан.

Фуқаролик Кодекси 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва



талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Фуқаролик Кодекси 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида электр энергиясини етказиб бериш шартномаси имзоланган, шартномага кўра, электр таъминоти корхонаси электр энергияси етказиб бериш, жавобгар эса ҳақ тўлаш мажбуриятини олган, электр таъминоти электр энергиясини етказиб берган, бироқ жавобгар ўз вақтида ҳақини тўламаган, натижада Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилди) Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгар ва унинг Бешариқ туман филиалидан 181 845 775 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Фуқаролик Кодексининг 468-моддасига мувофиқ, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, суд даъвони 181 845 775 сўм асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантиришни лозим топади.

Суд даъвонинг Фарғона сув таъминоти Масъулияти чекланган жамияти Бешариқ туман филиалига оид қисмини муҳокама қилишда қуйидагиларга асосланди:

Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор макomini қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаяётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролик Кодексининг 47-моддаси 2-, 3-қисmlарига мувофиқ, филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисmini, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 110-моддаси 1-бандига мувофиқ, низо иқтисодий судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.



Қайд этилганларга кўра, суд даъвонинг

га оид қисми бўйича иш юритишни тугатишни лозим топади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофиқ, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Даъво қаноатлантирилганлиги сабабли, суд ҳаражатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 178-179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар хисобидан:

- даъвогар Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ фойдасига 181 845 775 сўм асосий қарз, 30 000 сўм почта ҳаражати;
- суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига (Марказий банк Тошкент шаҳар, Бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази, МФО 00014, Х/Р: 23402000300100001010, Сир: Ғазна. 201 122 919, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, ШХВ: 4014228603302303422103011) 3 636 915,5 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг

га оид қисми бўйича иш юритиш тугатилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарордан норози тараф бир ой муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Раислик этувчи

М.Мирмаксудов

